

**ИНФОКОММУНИКАЦИЯ ОБЪЕКТЛАРИ ЭНЕРГИЯ
ТАЪМИНОТИ КОМПЬЮТЕР МОНИТОРИНГИНИНГ
АППАРАТ-ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРИ**

Абдумаликов Акмалжон Абдухолик ўғли

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот Технологиялари
Университети

Ўринов Дилмурод Абдиназар ўғли

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот Технологиялари
Университети

E-mail: orinovd0@gmail.com

Аннотация: Инфокоммуникация объектлари энергия манбаларини узлуксиз масофадан туриб назорат қилиш, бошқариш учун мўлжалланган аппарат ва дастурий мажмуалар ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Мақолада инфокоммуникация объектлари энергия таъминоти компьютер мониторингининг аппарат-дастурий воситалари қараб чиқилган.

Калит сўзлар: Инфокоммуникация объектлари, энергия манбалари, дастурий мажмуалари, компьютер мониторинги, ўрнатилган тизимлар.


**INFOCOMMUNICATION FACILITIES ENERGY SUPPLY HARDWARE
AND SOFTWARE TOOLS FOR COMPUTER MONITORING**

Abstract: The objects of infocommunication are important for the development and widespread use of hardware and software complexes designed for continuous remote control, control of energy sources. The article looked at the hardware and software tools of computer monitoring of energy supply of infocommunication objects.

Keywords: Objects of infocommunication, energy sources, software complexes, computer monitoring, embedded systems.

Республика вилоятларининг маълум худудларида узлуксиз электр энергия билан таъминлашда инфокоммуникация объектлари энергия манбаларини узлуксиз масофадан туриб назорат қилиш, бошқариш учун мўлжалланган аппарат ва дастурий мажмуалар ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг қўллаш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Ушбу муаммолар билан биргаликда республикамизда алоқа воситалари ва улар асосидаги интернет тармоқларидан фойдаланиш ҳозирги даврда ҳар бир инсоннинг асосий таянадиган воситаларига айланган. Инфокоммуникация объектлари абонентларини сифатли интернет билан таъминлашда сигнал узатувчи алоқа қурилмалари асосий вазифани бажаради. Ушбу жихатлардан келиб чиқиб инфокоммуникация объектларини узлуксиз электр энергия билан таъминлаш ушбу соҳада кўплаб муаммоли ҳолатларни бартараф этишга катта тўртки бўлади. Инфокоммуникация объектларининг жадал ривожланиши билан бир қаторда уларга хизмат кўрсатишнинг сифати етарли даражада таъминланмаганлиги, энергия таъминотидаги узилишлар каби ноқулайликлар ва қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Бу муаммолар биринчи навбатда тегишли инфокоммуникация узлуксиз энергия истеъмоли объектларида ишончли ва тежамкор энергия таъминотининг амалга оширилмаганлиги билан боғлиқ. Инфокоммуникация объектларининг барқарор ривожланиши учун ишончли ва тежамкор энергия ечимини таъминлаш мақсадида марказлашган энергия таъминоти билан бир қаторда қайта тикланадиган энергия манбалари асосида энергия билан таъминлаш ва бунда рақамли технологияларни кенг қўллашнинг асосий тамойилларини кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Инфокоммуникация объектлари- бу маълумотларни қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш ва уни узоқ масофаларга узатиш воситаларининг мажмуи бўлиб, улар орқали ахборот ресурсларининг мавжудлиги ва ахборот алмашинуви таъминланадиган ягона

тармоқ тузилмасида амалга оширилади. Инфокоммуникация объектлари тармоғи - бу тармоқнинг охириги тизимларида ва фойдаланувчи терминал тизимларида жойлашган, ўзаро алоқаси телекоммуникация воситалари орқали таъминланадиган ва биргаликда ягона мултисервис платформасини ташкил етувчи географик жиҳатдан тарқалган маълумотлар, ҳисоблаш ресурслари, дастурий таъминотни бошқариш тизимлари тўплами. Инфокоммуникация объектлари маълумотларни қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, кўрсатиш ва яхлитлигини таъминлаш усуллари ва усуллари, шунингдек, маълум бир кафолатланган хизмат сифатини таъминлайдиган космосда узатиш режимларини амалга ошириш усуллари ўз ичига олади. Энергия таъминоти мониторинги қурилмалари жараёнларини микропроцессор ва электрон воситаларини иккиламчи кучланиш кўринишидаги сигнал билан таъминловчи ўзгарткичларнинг иш ҳолати эҳтимоллиги тавсифлари иккиламчи сигнални ҳосил қилиш апаратларининг ишлаш ва ишдан чиқиш ҳолатларини амалий дастурий воситалар ёрдамидаги тадқиқотлар асосида амалга оширилади. Энергия таъминоти манбаси мониторинги сигнал ўзгартириш ва манбалар тўғрисидаги ахборотларни реал вақт режимида узоқ масофаларга узатиш қурилмаларини жорий этиш схемаси 1-расмда кўрсатилган.



1-

расм. Инфокоммуникация

объектлари энергия таъминотини масофадан мониторинг қилиш аппарат-дастурий воситалари схемаси.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, энергия таъминоти мониторинги тизимларида турли хил сигналларни ўзгартириш ва уларни тақсимлаш қатор муаммоларини ечиш билан боғлиқ. Ушбу муаммоларни ечишда ҳозирги пайтдаги қўлланилиб келинаётган энергия таъминоти мониторинги учун мўлжалланган қурилмалар ва аппарат-дастурий мажмуалар жуда аҳамиятли ҳисобланади.

Мониторинг учун мўлжалланган ўрнатилган тизимлар мобил иловалар ва амалий дастурий воситалар ёрдамида энергия таъминоти манбаларини масофадан мониторинг қилиш, бошқариш учун қарорлар қабул қилиш имкониятини тақдим этмоқда.

Энергия таъминоти манбалари мониторинги жараёнларини масофадан мониторинг қилиш ҳолатларини амалга оширувчи воситалар, улардаги катталиқ ва параметрларни узлуксиз мониторингини таъминловчи сигнал узатиш воситалари, қурилмаларнинг ўзаро таъсири ва сигнал узатиш вазифаларини амалга ошириш вақтида аниқроқ баҳолаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

- 1.Sapaev M., Turakulov O., Sattarov KH., Abdumalikov A.A. Modeling and research of reliability and probability of operational parameters of control units // “Муҳаммад ал-Хоразмий авлодлари.” Илмий-амалий ва ахборот-таҳлилий журнали. ISBN:978-9943-11-665-8.№1(15)/2021,Тошкент-2021:Б.82-86
- 2.Абдумаликов А.,Сапаев М., Саттаров Х.,Ўринов Д.Гибрид энергия таъминоти қурилмаларининг масофадан мониторинги аппарат ва дастурий мажмуаси. Актуальные проблемы системы электроснабжения // Сборник трудов международной научно-технической конференции. – Ташкент.,11-12ноября. 2022..Стр.205-207.
- 3.Сиддиков И.Х,Хужаматов.Х.Э.Телекоммуникация ва ахборот технологиялари объектларининг энергия таъминоти манбалари ва уларни бошқарув.-Т.: 2021.-133б.